

## МУҲАММАД ИБН УМАР ВОҚИДИЙНИНГ ҲАЁТИ

*Жамбилов Мансур Расулжонович*

*“Ислом тарихи ва манбашунослиги IRCICA”*

*Кафедраси I босқич таянч докторанти,*

*Тошкент ислом институти*

*“Ҳадис ва Ислом тархи фанлари”*

*кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Имом Воқидийнинг шахсияти, улғайиш даври ва илмий ҳаётини ўрганиш орқали у зотни яхшироқ таниб олиш;

Имом Воқидий ёзган асарлардан бохабар бўлиш; исломий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда тарих борасида асар ёзишдаги Имом Воқидий намоён қилган йўналишни баён қилиб бериш

**Калит сўзлар:** Муҳаммад ибн Умар Воқидий, асламий, маданий, маънавият ва турли илмлар, Ироқ мадрасаси, ислом тарихи.

Тарихий манбаалар унинг “Воқидий”<sup>1</sup> лақаби ва “Абу Абдуллоҳ”<sup>2</sup> куняси билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Умар ибн Воқид<sup>3</sup> еканлигини тасдиқлайди. У асламийларнинг<sup>4</sup> мавлоси<sup>5</sup> бўлиб, уларга ҳам нисбат берилган ва унинг насабида “асламий”<sup>6</sup> деб ҳам зикр қилинган. Баъзи манбааларда келтирилишча, унинг насаби Бану Аслам уруғларидан бири Бану Саҳмга боғланган бўлиб, унга “саҳмий”<sup>7</sup> нисбати ҳам берилган. Бошқа манбааларда еса, туғилиб ўсган ери Мадинаи мунавварага ҳам нисбат берилиб, “маданий”<sup>8</sup> деб ҳам айтилгани ҳақида нақл қилинган. Баъзи манбааларда еса, икки нисбатни жамлаб “асламий, маданий”<sup>9</sup> дея келтирилган. Воқидий она томондан форс миллатига мансубдир.

<sup>1</sup> «Вов»нинг фатҳаси, “қоф”нинг касраси ва охирида муҳмала “ё” билан у юқорида зикр қилинган бобоси Воқидга берилган нисбатдир. Қаранг; Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ас Самъоний. Абдуллоҳ Барудий таҳқиқи. Ал- ансоб. –Байрут: дар ал кутуб ал илмийя,1408/1988.-Ж. V - Б.566

<sup>2</sup> Муҳаммад ибн Маниъ ал Басрий аз Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро.-Байрут: Дару Содир, 1405/1985.-Ж. V I I -Б.334

<sup>3</sup> Ибн Асийр Али ибн Абулкарим ибн Муҳаммад Шайбоний. Ал комил фит тарих. Байрут: Дару Содир, 1937 –Ж. I I I .- Б.168

<sup>4</sup> Якут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавий. Мужам ал-адибба..-Миср: Матбаъату дар ал-Маъмун,-Ж. V .- Б.391

<sup>5</sup> “Мавло” сўзи араб тилида бир неча маъноларда ишлатилади. Бу ўринда у “кимдир томонидан озод қилинган қул” маъносида. Воқидий Абдуллоҳ ибн Бурайда Асламийнинг мавлоси бўлган. Қааранг: Али ибн Ҳусайн ибн Ҳибатуллоҳ ибн Асокир. Умар ибн Ғарома ал Амравий таҳқиқи. Тарихи мадийнати Димашқ. –Байрут/Ливан: дар ал-фикр, 1415/1994.-Ж. X X X I V - Б.470

<sup>6</sup> Абул Ҳасан Юсуф ал-Миззий. Башшор Аввод Маъруф таҳқиқи. Таҳзийб ал-камол фий асма ар-рижол. -Байрут/Ливан: Муассаса ар-рисала, 1413/1992.-Ж. X X X X V I .-Б.180

<sup>7</sup> Абдураҳмон Муҳаммад ибн Идрис ар-Розий. Ал-жарҳ ват-таъдил.–Байрут/Ливан: “Дар ал –кутуб ал-илмийя” нашриёти, 1373/1953.-Ж. V I I I –Б.20.

<sup>8</sup> Салоҳуддин Халил ибн Ойбек ас-Сафадий. Олимлар гуруҳи томонидан таҳқиқ қилинган. Ал-вафий бил-вафаят. – Байрут/Ливан: Дару Содир, 1399/1979. –Ж. V I I I –Б.168.

<sup>9</sup> Ибн Ҳажар Шаҳобуддин Абулфазл Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Али ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Аҳмад Киноний Асқалоний. Лизанул мийзан. Байрут: Дарул кутубил исламийя, 2010 –Ж. V I .-Б.496.

Манбааларда зикр қилинишича, унинг онаси Исо ибн Жаъфар ибн Соиб Хосир<sup>10</sup>нинг қизи бўлган.

Аслам қабиласи Қахтон уруғларидан бири бўлган Аслам ибн Афсо ибн Ҳориса ибн Амр ибн Омир ибн Ҳориса ибн Имриул Қайс ибн Саълаба ибн Мозин ибн Аздга нисбат берилади. Аслам Ҳузоъанинг биродари бўлиб, Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам уни Исмоил алайҳиссаломга нисбат берганлар. Бурайда ибн Ҳасийб, Молик ибн Жубайр, Салама ибн Акваъ ва Робийъа ибн Каъб ибн Молик каби кўплаб машҳур саҳобалар ҳам шу қабилага мансуб бўлишган. Дарҳақиқат, Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам минбар устида турган ҳолларида бу қабилани мақтаб:

غَفَارُ اللَّهِ لَهَا وَ أَسْتَمَّ سَأَلَمَهَا اللَّهُ وَ عَصِيَّةٌ عَصَتْ اللَّهَ وَ رَسُولَهُ

“Аллоҳ Гифорни мағфират қилди. Асламга хотиржамлик берди. Усайя еса Аллоҳ ва росулига исён қилди” дедилар.<sup>11</sup>

Аксар тарих манбааларида келтирилишича<sup>12</sup>, Муҳаммад ибн Умар ибн Воқид умавийлар ҳукмронлигининг тугаш арафасида Марвон ибн Муҳаммаднинг халифалик йилларининг сўнгида ҳижрий 130- йилда (мил. 747-й) Мадинаи мунавварада таваллуд топган. Бироқ имом Заҳабий (ваф.748 х.й/1347м.й) у ҳижрий 120-йилда (мил.737-й) туғилган деса, имом Сафадий (ваф.764 х.й/1362 м.й) ва Тағрийбардийлар<sup>13</sup> (ваф.871х.й–1469м.й) ўз асарларида Воқидий ҳижрий 129-йилда (мил.746-й) туғилганлигига ишора қилиб ўтишган.

Имом Воқидийнинг туғилган санаси ҳақида келтирилган ривоятлар ичида еҳтимоли юқори бўлган ривоят бу унинг ҳижрий 130 йилда (мил.747-й) дунёга келганлигидир. Бунга ягона сабаб бу Ибн Саъд “Тобақот”ида: “Воқидий менга ўзининг бир юз ўттизинчи йилнинг аввалида дунёга келганлиги ҳақида хабар берди” дея келтирган ривоятидир<sup>14</sup>.

Унинг ёшлик даврлари ҳақида тарих манбааларининг бирортасида маълумотлар келтирилмаган. Бироқ унинг оиласи, хусусан, отаси, у яшаган давр ва илмий фаолият ҳақида сўз юритганимизда Воқидий илмий муҳитда улғайганлигини билиш имкони бўлади. Дарҳақиқат, унинг отаси Умар ибн Воқид ҳадис ровийси бўлган. Бунга қуйидагилардан далил қилишимиз мумкин:

<sup>10</sup> Соиб ибн Ясор Абу Жаъфар ал-Маданий бўли, у Бану Лайснинг мавлосидир. Унинг асли Кисронинг уруғига бориб тақалади. У фожир бўлган ва “Соиб Хосир” номи билан танилган. Унинг خاتر деб номланишига сабаб у ёқимсиз овози билан қўшиқ кўйларди. Одамлар унга қарата “Бу ёқимсиз ҳофиз” деб айтишарди. Соиб Хосир Мадинада доира чалиб, кўшиқ айтган илк одам еди. Қаранг: Абул Фараж Али ибн Ҳусайн ал- Асфажоний. Ал-ағоний.- Қоҳира: ал-мактаб ал-мисрийя, 1404/1982.-Ж. V I I I .- Б.333.

<sup>11</sup> Абу Абдуллоҳ Исмоил ибн Иброҳим Жуъфий Бухорий. Саҳиҳ ал Бухорий. Байрут: Дару Ибн Касир, 1987.-Ж. X I -Б.336

<sup>12</sup> Бурҳонуддин Иброҳим ибн Али ибн Муҳаммад ал-Яъмурий. Муҳаммад Абуннур. Таҳқиқи. Ад-дийбаж ал-музаҳҳаб фий маърифати аъяни улама ал-мазҳаб. –Қоҳира/Миср: Дар ат-турос. -Б.230

<sup>13</sup> Жамалуддин Абулмаҳосин Ибн Тағрибардий. Ан нужум аз захиро фи мулуки Мисро вал Қоҳира. -Қоҳира: Муассаса ал мисрийя ал аъмма лит таълиф ван нашр, 1963.-Ж. I I I .-Б.184

<sup>14</sup> Ибн Саъд Муҳаммад ибн Маниъ ал-Басрий аз-Зухрий. Ат-тобақот ал-кубро.–Байрут/Ливан: Дару Содир, 1405/1985.-Ж. I V .-Б.433.

Дароқутний (ваф.385х.й-995м.й) ривоятида, “...У Зухрий ва бошқалардан ривоят қилган. Ундан еса Умар ибн Воқид ривоят қилган...” дея келтиради;<sup>15</sup>

Табароний (ваф.360х.й-972м.й) ривоятида, “...Бу ҳадисни Юнусдан фақат Умар ибн Воқид ривоят қилган...” дея келтиради;<sup>16</sup>

Ибн Асокир (ваф. 571 х.й-1175 м.й) еса “...Менга Умар ибн Воқид ҳадис айтиб берди...” дея ундан ривоят қилади<sup>17</sup>.

Воқидий Мадинаи мунаввара аҳлидан бўлганлиги ва унинг кўплаб олимларидан исломий илмларни ўрганганлиги билан бир қаторда бу соҳада асарлар ёзишида отасининг ҳам катта ҳиссаси бўлганлигини кўришимиз мумкин. Риёз Ҳодийнинг таъкидлашича, Воқидий оталаридан илмни мерос қилиб олган баъзи саҳобаларнинг фарзандлари билан ҳам кўп вақтлар бирга бўлар еди<sup>18</sup>.

Воқидий улғайган илмий муҳит борасида диққатга сазовор жиҳатлардан яна бири у яшаган давр умумий тарзда маънавиятга интилиш ва бошқа тилларда ёзилган асарларни араб тилига таржима қилиш ҳаракатлари бошлаганлиги билан бир қаторда турли шаръий илмларни ўрганиш асносида риёзиёт, табобат, ҳандаса, фалакиётшунослик ва меъморчиликка доир илмлар каби турли хил илмлар мавжуд бўлганлиги билан ажралиб туради.<sup>19</sup>

Чиндан ҳам у яшаган давр маънавият ва турли илмлар мавжуд бўлганлиги билан ажралиб туради. Дарҳақиқат аббосийлар давлатининг халифалари ҳукмронликни кенгайтирганлиги, шаҳарларга ўзларига итоатли бўлган амирлар ва қўмондонларни таъйинлаганликлари ва ислом диёри бўйлаб сафар қилиш беҳавотир даражага етганлиги сабабли бу халифаликнинг илк даврларида сиёсий барқарорлик ҳукм сурди. Шунингдек бу даврда исломий иқтисод ва савдо-сотиқ ҳам гуркирай бошлади<sup>20</sup>. Воқидийнинг ўзи ҳам буғдой сотиш орқали тижорат билан шуғулланар еди. Бироқ унинг бу тижорати ва меҳнати илм мажлислари ва олимларнинг ўзаро мунозараларида ҳозир бўлиш ҳамда улардан илм ўрганишдан уни тўсиб қўймади.<sup>21</sup>

Воқидий ёшлик чоғлариданоқ илм талабида бўлган ва Мадинаи мунаввара ҳам худди ҳозиргидек турли минтақалардан Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини зиёрат қилиш истагида ташриф буюрувчи кўплаб

<sup>15</sup> Али ибн Умар ал-Қутний ал-Бағдодий. Муваффақ Абдуллоҳ Абдулқодир таҳқиқи. Ал-муъталаф ал-мухталаф.–Байрут/Ливан: Дар ал-ғарб ал-ислаимий, 1406/1986.-Ж. I –Б.278.

<sup>16</sup> Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад ат-Табароний. Маҳмуд Таҳҳон таҳқиқи. Ал-муъжама ал-авсат.– Риёз/Саудия Арабистони: Мактабатул маъориф, 1405/1984.-Ж. V I I I –Б.5.

<sup>17</sup> ИбнАсокир Али ибн Ҳусайн ибн Ҳибатуллоҳ. Умар ибн Ғорома ал-Амравий таҳқиқи. Тарихи мадийнати Димашқ. Умар ибн Ғорома ал-Амравий. –Байрут/Ливан: дар ал-фикр, 1415/1994. –Ж. I –Б427.

<sup>18</sup> Воқидий ва унинг Пайғамбаримизнинг сийратларини ёзишдаги услуби. Психологик илмлар факултетининг даврий нашри. Мавсил университети. Ироқ; 2009.

<sup>19</sup> Воқидий ва унинг Пайғамбаримизнинг сийратларини ёзишдаги услуби. Психологик илмлар факултетининг даврий нашри. Мавсил университети. Ироқ; 2009. -Б.6.

<sup>20</sup> Воқидий ва унинг Пайғамбаримизнинг сийратларини ёзишдаги услуби. Психологик илмлар факултетининг даврий нашри. Мавсил университети. Ироқ; 2009. -Б.6

<sup>21</sup> Хатиб ал-Бағдодий Аҳмад ибн Али Абу Бакр. Тарихи Бағдод. –Байрут/Ливан: Дар ал-қутуб ал-илмийя. –Ж. I I I –Б.4.

олимларни ўзида жамлаш орқали унга бу мақсадни амалга оширишида кўмаклашган дея айтишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, Воқидий илм талабига киришиб, унинг сарчашмаларидан баҳра олган ва бу борада кўплаб ютуқларга ҳам эриша олган.<sup>22</sup> У ўзининг илмий мухитидан унумли фойдалана олгани сингари ёшлик чоғларини ҳам унумли тарзда ўтказган.<sup>23</sup>

Воқидий нубувват асри ҳамда хулафои рошидинлар асрида исломий давлатнинг пойтахти бўлган Мадинаи мунавварада улғайди. Бу шундай шаҳарки, ундан саҳобалар инсонларга таълим бериш ҳамда жамиятда исломий руҳиятни тарқатиш мақсадида чиқишган ва ернинг турли минтақаларидан унга олимлар ташриф буюришган. Мадинаи мунаввара нубувват асридан сўнг унда ҳижрий 130-йил (мил.747й) ва 207-йил (мил.823й) оралиғида давом этган Воқидий асри бўлганлиги сабабли ўн йилча илм ва кўплаб олимлар билан тўла бўлган.<sup>24</sup>

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Воқидий бугдой савдоси билан шуғулланиш асносида молиявий зарар кўрганидан сўнг, киндик қони тўкилган юртини ташлаб аббосийлар давлатининг пойтахти бўлган Бағдод шаҳрига ҳижрат қилди. Чунки у шаҳарда шуҳрат ва бойлик учқунлари интилиш ва истеъдоди ёки илм-маърифати бор кишиларни ўзига чорлар еди.<sup>25</sup>

Воқидийнинг асри яъни, ҳижрий иккинчи асрда Мадина ва Ироқ шаҳарларида кўплаб машҳур олимлар яшаган. Улар Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Ҳафс ал Адавий, Нофеъ ибн Абу Нуайм, Исмоил ибн Жаъфар ал Ансорий, Язийд ибн Абдуллоҳ ибн Усома, Абдуллоҳ ибн Язийд ибн Хурмуз, Ибн Исъҳоқ, Абу Маъшар ас Синдийлардир. Бу зикр қилинган олимлар Мадинаи мунавваранинг олимларидир. Ироқ олимларидан еса, Имом аъзам Абу Ҳанифа, Абул Итаҳийя, Сийбавайх, Асмаъий, Ибн Уяйна, Кисоий ҳамда Ибн Соиб ал-Калбийларни мисол қилишимиз мумкин.

Тадқиқотчи Рашид Ҳашмовий Мадина ва Ироқ мадрасаларининг илмий дастурларини қиёсий таҳлил қилиб, “Мадинаи мунаввара мадрасасининг дастурини асосий икки иш -Мадина мадрасасининг бошқа илмлар билан машғул бўлмасдан фақат Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг ғазот ва фатҳларини ўрганиш ҳамда саҳобалар, тобеъинлар ва баъзи вақтларда табъа тобеинларнинг сийратларини ўрганишга хосланганлиги – мустаҳкамлаб туради.

<sup>22</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Воқид. Китаб ар-ридда. Таҳқиқ: Маҳмуд Абулхайр. Иордания: Дар ал-фурқон, 1434/2013. –Б.5.

<sup>23</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Воқид. Муҳаммад Абулхайр таҳқиқи. Китаб ар ридда.. Иордания: Дар ал- Фурқон, 1434/2013.- Б.5

<sup>24</sup> Абдулазиз Салумий. Воқидий, унинг “Мағозий” асари, услуб ва манбаалари/ Докторлик диссертацияси. – Мадинаи мунаввара: ал Жомиа ал исламийя, 2004.- Б 49-50.

<sup>25</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Воқид. Муҳаммад Абулхайр таҳқиқи. Китаб ар ридда. Иордания: Дар ал- Фурқон, 1434/2013.- Б.4

Ироқ мадрасасининг дастурига қарайдиган бўлсак, у ерда тарих, набавий ҳадис, тафсир, араблар тарихи, насаб илми (генеология), шеър ва ҳаттоки ғазот илмларини ўрганиш учун ҳам умумий тарзда эркинлик бор еди” дея таъкидлаб ўтади.<sup>26</sup>

Бундан кўринадики, демак, Воқидий Мадинада улғайиб, Ироққа сафар қилиши унга турли илмларни жамлаш имкони берди. Менинг фикримча, бу Воқидийни бошқа тарихчи олимлардан ажратиб турадиган бир жиҳат бўлса ажаб емас.

Шунингдек, унинг асрида турли соҳалардаги улкан илмий фаолиятга гувоҳ бўлган Мадина ва Ироқ мадрасаларига кўшимча равишда Воқидий улғайган илмий даргоҳ (яъни, унинг оиласи) ҳам унинг кенг ақл-идрок соҳиби ва ўз асрининг етук олимларидан бирига айланиши ҳамда асарлар ёзиш ва хабарларни нақл қилиш борасида ўчмас из қолдиришига беқиёс ҳисса қўша олди.

### ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлар кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 19 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишидаги нутқи // “Халқ сўзи” газетаси, 2022 йил 12 ноябрь.
3. V.M.Zaporozhets. The Seljuks. – Hannover: the European Academy of Natural Sciences e.V. , 2012. – 321 p.
4. Ibn Asir. الكامل في التاريخ (Al-Komil fit-tarix), VIII juz. – Beirut-Lebanon: Dar Al-Kotob Al-Ilmiyah, 2003. – 532 b.
5. Imom al-Hofiz Abul Fado Ismoil ibn Kasir al-Qurayshiy ad-Dimashqiy. البداية و النهاية (Al-Bidayatu van-nihaya). al-Giza (Misr): Hajr, 1998.
6. Maqriziy. السلوك لمعرفة دول الملوك (As-Suluk lima’rifati duvalil-muluk), I juz. Beirut-Lebanon: Dar al-kotob al-ilmiyah, 1997. – 566 b.
7. Shamsuddin Muhammad bin Ahmad Usmon az-Zahabiy. سير أعلام النبلاء (Siyar a’lamu an-nubala), XXIII juz. Beirut-Lebanon: Baytul-afkor ad-davliyya. 2004.
8. Ahmed bin Mahmud. Selçuk-Name, 1-2.cilt. – İstanbul: Kervankibatçilik basin sanayiiveticaret A.Ş., 1977. – 202 s.
9. Ali Sevim. İbnül-Kalânîsinin Zeylû tarih-i Dimaşk adlı eserinde Selçuklularla ilgili bilgiler // Türk tarih belgeleri dergisi. Cilt: XXIX, Sayı: 33. 2008. – S. 1-42
10. Muharrem Kesik. Sultan Alp Arslan’ın Liderlik Vasıfları // İnsan ve Toplum Bilimleri Dergisi, Sayı4. 2014. – S. 43-52.

<sup>26</sup> Рашид Ҳашмовий. “Ҳижратнинг биринчи ва иккинчи асрида тарих ёзиш босқичлари”. (Мадина ва Ироқ мадрасаларининг фаолиятини қиёсий ўрганиш бўйича тадқиқот иши). Тикрит университетининг Филология факултети, -Б.88.

11. Muhammed Kemaloğlu. XI.-XIII. yüzyıl Türkiye Selçuklu devletinde eğitim-öğretim (medreseler) // Akademik Tarih ve Düşünce Dergisi. Cilt:2, Sayı:5. 2015. – S. 62-79.
12. Prof. Dr. Muharrem Kesik. Selçuklular tarihi. – İstanbul: İstanbul üniversitesi Açık ve uzaktan eğitim fakültesi, 2010. – 374 s
13. Prof. Dr. Faruk Sümer. Oğuzlar. – Ankara: Ankara üniversitesi basimevi, 1972. – 574 s.
14. Prof. Dr. Osman Turan. Selçuklular Tarihi ve Türk-İslam Medeniyeti. – İstanbul: Turan neşriyat yurdu, 1969. – 492 s.

**Интернет сайтлар:**

1. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нодир қўлёзмалар бўлими сайти <http://nodir.natlib.uz:8095/uz-Cyrl-UZ>
2. Ўзбекистон тарихий ва илмий-адабий манбалар сайти <http://ziyonet.uz/>